



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/2

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Умар Худайбердиев Камбағаллик даражаси ва уни қисқартириш йўллари	66
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Аҳолининг ўсиши, камбағаллик даражаси ва аҳоли камбағал қатламининг ўзгариш тенденциялари	69
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Nilufar Abdaxatovna Abdukadirova Umumiy ovqatlanish korxonalari faoliyatida innovatsiyalarni rivojlantirish yondashuvlari	74
Навруз Абдуллаевич Кудратов Пути эффективного развития услуг электронной коммерции (на примере Самаркандской области)	77
Dilrabo Shirinboyevna Mardonova Samarqand viloyatida mehmonxona xizmatlari integral samaradorligi ko‘rsatkichlarini hisoblash	80
Farhod Mahmudovich Tirkashyev Xizmatlar ko‘rsatish sohasida intellektual mulk obyektlarini boshqarish xususiyatlari	86
Lazizjon Sharifovich Kuldoshev Xizmat ko‘rsatish sohasida raqobatbardoshlik salohiyatini baholashga ilmiy yondashuvlar	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Аҳмаджон Таниев Туризмнинг атроф-муҳитга таъсири ва барқарор ривожланиш стратегиялари	97
Umida Ziyadullayevna Raximova Turizm Infratuzilmasining hozirgi holati	105
Gulmira Rabbonovna Tursunova Turistik mahsulot iste’molchisini tasniflash	110
Bekzod Sherzodovich Sharipov Inklyuziv turizm destinatsiyalarini shakllantirishning konseptual, nazariy-metodologik asoslari	116
Ulug‘bek Egamberdiyevich Boynazarov Oilaviy mehmon uylari uchun mahalliy va xalqaro me‘yorlar xususiyatlari	121
Dilyor Zafarovich Hakimov O‘zbekistonda etnografik turizmni rivojlantirish samaradorligini oshirish yo‘llari	124
Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов Туризм индустриясини ривожлантиришда минтақавий назариялар ўрни ва роли	130
Aziza Javaxirovna Mir-Djafarova Mehmonxona xo‘jaligida yashil texnologiyalarni joriy qilishning innovatsion yechimlari	135
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Азизбек Исомиддин ўғли Асроров Кичик бизнес субъектларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш масалалари	139
Pyos Pخomovich Ayubov, Sumbula Kurasheva Iqtisodiy islohotlarning tadbirkorlikni rivojlantirishdagi o‘rni	145

соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари тармоғини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш масалалари кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ривожланиш босқичига кирган меҳнат бозори трансформациясининг ижтимоий жиҳатларини юмшатиш масаласи ҳам ушбу соҳанинг ривожланишида муҳим ўринга эга.

<p>М.Пардаев, О.Пардаева, М.Болтабоев Значение мягких навыков и социальной защиты в трансформации рынка труда Аннотация. В статье рассматривается значение «мягких» навыков и социальной защиты в трансформации рынка труда (ТРМ). Также отмечается, что такие навыки, как коммуникативные навыки, работа в команде, решение проблем, критическое мышление и креативность в условиях глобальной экономики сегодня высоко ценятся работодателями. Для развития «мягких» навыков показана важность участия в различных тренингах, чтения книг, самостоятельной работы и обучения на жизненном опыте. Также на примере конкретных стран освещено влияние «мягких» навыков на мировой рынок труда. Важность и влияние социальной защиты также учитываются в ОБТ. Ключевые слова: трансформация рынка труда, рабочая сила, рынок труда, мягкие навыки, условия глобализации, трудовая миграция, демографические изменения, социальная защита, безработица, пособия по безработице.</p>	<p>M.Pardaev, O.Pardaeva, M.Boltaboev Importance of soft skills and social protection in labor market transformation Abstract. The article discusses the importance of "soft" skills and social protection in the labor market transformation (LMT). It is also noted that such skills as communication skills, teamwork, problem solving, critical thinking and creativity in the global economy are highly valued by employers today. The importance of participating in various trainings, reading books, independent work and learning from life experience is shown for the development of soft skills. The influence of soft skills on the global labor market is also highlighted using examples of specific countries. The importance and influence of social protection are also taken into account in the GBT. Keywords: labor market transformation, labor force, labor market, soft skills, globalization conditions, labor migration, demographic changes, social protection, unemployment, unemployment benefits.</p>
--	--

Умар Худайбердиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.

КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада камбағалликнинг ҳозирги даврдаги ҳолати ва уни қисқартириш йўллари баён қилинган. Камбағалликни қисқартириш борасидаги чора-тадбирлар ёритилган.
Калит сўзлар: Аҳоли, камбағаллик, камбағаллик сабаблари, ижтимоий-иқтисодий шароит, янги иш ўринлари, даромад, ривожланиш.

Кириш. Жаҳондаги 200га яқин мамлакатлар иқтисодий ҳолати ва аҳоли турмуши бўйича ҳар хил даражададир, БМТ барча мамлакатларни иқтисодий ривожланишига қараб 3 гуруҳга бўлади. I гуруҳ – иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар; II гуруҳ – иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар; III гуруҳ – иқтисодиёти қоқоқ мамлакатлар. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга Европадаги кўпгина мамлакатлар, ҳамда АҚШ, Япония мамлакатлари киради. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга Осиёдаги кўпгина мамлакатларни киритиш мумкин. Бу мамлакатлар иқтисодиёти ҳар йили 5,0-8,0 %га ривожланмоқда. Иқтисодиёти қоқоқ мамлакатларга Африкадаги Конга, Мозамбик, Жанубий Судан каби мамлакатлар киради. Маълумки, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар аҳолисининг турмуш шароити яхши бўлади. Иқтисодиёти қоқоқ мамлакатлар аҳолисининг турмуши нисбатан ёмон бўлиб, кўплари қашшоқликда яшашади. Лекин, ҳар қандай мамлакатда ҳам турли сабабларга кўра даромадлари кам бўлиб, камбағалликда яшаётганлар ҳам бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон аҳолиси мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам кўпайиб бораётган аҳолини иш билан таъминлаш,

камбағалликни қисқартириш учун ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чораларини кўриш лозим. Бу борада Мамлакат Президенти Ш. Мирзиёев бир неча қарорлар қабул қилди, “Камбағалликдан-фаровонлик сари” дастури қабул қилинди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, даромадли қилиб, турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш бўйича академиклар Абдурахманов Қ., Ғуломов С., профессорлар Мухаммедов М., Пардаев М., доцент Ўринбаева Ю. каби олимлар илмий изланишлар олиб бориб, мақолалар, монографиялар ёзганлар. Улар камбағалликнинг моҳияти сабабларини очиқ берганлар, ҳамда камбағалликни қисқартириш чораларини баён қилганлар. Ушбу мақолада камбағалликнинг сабаблари ва улардан чиқиш йўллари ҳозирги даврдаги шароитлар, имтиёзлар ва кўрилатган чоралар асосида баён қилинган.

Тадқиқот методологияси. Мақолани тайёрлашда мантиқий ва иқтисодий таҳлил, таққослаш, макон ва замон каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ СССР давридаги бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ҳажми камайди. Чунки, собиқ СССР даврида Ўзбекистондаги кўпгина йирик завод-фабрикалар бутловчи қисмлар, материалларни бошқа Республикалардан олар ёки улар ярим тайёр материаллар ишлаб чиқариб, бошқа Республикаларга юборар эди. Республикалар мустақил бўлгач, ўз миллий пул бирликларини қабул қилиб, муомалага чиқарди. Иқтисодий муносабатлар тўхтаб қолди, завод-фабрикалар ишлаб чиқаришни тўхтатди ва кўплар ходимлар ишсиз, даромадсиз бўлиб қолдилар. Лекин, ўша даврларда камбағаллар кўпайса ҳам, бу тўғрисида ОАВда ёзилмасдан, “Кам таъминланган оилалар” деб аталиб, уларнинг маълум меъёрдаги қисмига нафақалар берилар эди.

Мамлакат Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...ҳисоб-китобларга кўра” аҳолининг 12-15 фоизи кам таъминланган эканлигини, улар 4-5 миллион кишини ташкил этишини таъкидлади.

Камбағаллик сабаблари турлича бўлиши мумкин. Айрим оилалар борки, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор ёки ёш болалар кўп, лекин ишлаб даромад келтирувчиси йўқ. Бундай оилалар иложсиз ҳақиқий камбағал кишилардир. Бундай оилаларга ҳукумат турли нафақалар тайинлайди, хизматлардан (газ, свет, сув, транспорт кабилар) имтиёзлар белгилайди. Табиий офатлардан (сув тошқини, сел, ёнғин кабилар) жабр кўриб, мол-мулкидан ажралганлар ҳам бўлиши, уларнинг ҳам ҳеч нарсаси қолмай, камбағал бўлиши мумкин. Лекин бундай кишилар, оилалар вақтинчалик камбағал бўлиб, тез орада Давлат, маҳалла ёрдамида камбағалликдан чиқади. Камчилик бўлса ҳам, шундай кишилар борки, улар соғлом бўлсалар ҳам ўқишни, хунар ўрганишни хохламайди, ишлашни ёқтирмайди. Бундай кишилар дангасалик касалликларига йўлиқишган. Улар, уларнинг оилалари Давлатдан, маҳалладан ёрдам сўрашни хуш кўришади. Бундай оилалар билан қариндошлар, маҳалла фаоллари тушунтириш ишлари олиб бориб, уларга ёқадиган хунарни ўргатишлари, ишлашга ўргатишлари ва даромадли бўлишларига ёрдам беришлари керак бўлади.

Президент Ш. Мирзиёев 2020 йил 28 февралда бўлган видеоселектр йиғилишида аҳолини камбағалликдан чиқариш тўғрисида “...камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш,...” зарурлигини таъкидлаган эди.

Кўрилган чора тадбирлар натижасида камбағаллар сони йилдан-йилга қисқариб, ҳозирги пайтда уларнинг сони 2 бараварга камайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора – тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан маҳаллаларда ягона саволнома асосида камбағал оилани аниқлаш, камбағал оилалар реестрини юритиш, “маҳалла еттилиги” ва ижтимоий ташкилотлар ҳамкорлигида бундай оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режалар ишлаб чиқиш топширилган.

Бу Қарорда камбағал оила аъзоларига турли ёрдамлар бериш, имтиёзлар ва ерларни ижарага бериш йўли билан камбағалликдан чиқариш йўллари кўрсатилган. Хусусан, мактабгача таълим билан қамров даражасини 2025 йил якунигача 80 фоизга етказиш, бунда камбағал оилалар фарзандини имтиёзли асосда қабул қилиш, қамбағал оилаларнинг билимли, иқтидорли фарзандларини ОТМга қабул қилиш ва яшаш (турар жой) харажатларини бюджет ҳисобидан қоплаш, 2024-2025 йилларда пахта-ғалла майдонларини қисқартириб, 50 минг гектар ер майдонини камбағал оилаларга 30 йилгача ижарага бериш кабилар кўзда тутилган. Туман раҳбарлари, маҳалла раислари ва фаолларига оила аъзоларини тозалikka риоя қилиш, фарзандларни касб-ҳунарга ўргатиш, ҳалол меҳнат қилиш, томорқадан самарали фойдаланиш сирларини ўрганиш каби йўналишларда тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланган.

Аҳоли қонунда таъқиқланмаган турли фаолият билан шуғулланиши мумкин. Ишсиз кишиларга ҳунар ўргатиш учун қисқа муддатли курслар (мономарказлар) очилган. Бундай курсларда 3-6 ой ўқиб, ошпазлик, сартарошлик, электр пайвандчи каби кўплаб, ҳунарни эгаллаб, даромадли бўлиши мумкин.

Қишлоқ аҳолиси чорвачилик ёки паррандачилик билан шуғулланиб томорқасида дехқончилик билан шуғулланиб даромад олишлари мумкин. Чорвачиликдан ёки дехқончиликдан катта даромад олаётганлар ҳамма маҳаллаларда, қишлоқларда топилади. Чорвачиликда зотли моллардан жуда кўп сут олаётган ёки боқувдаги гўшт берувчи зотдор молларни боқиб кўп даромад олувчи оилалар топилади. Томорқадан самарали фойдаланиб дехқончилик маҳсулотларидан йилига 2 мартда мўл ҳосил олаётган оилалар ҳам кўп. “Ер хазина - калити меҳнат” деган ҳалқимизда ибора бор. Ҳар бир ишни бажаришда яхши мутахассис бўлиш лозим.

2023-2024 йиллар давомида Ўзбекистонда камбағаллик даражаси сезиларли даражада қисқартирилди. 2023 йилда 208 минг оиланинг 873 минг аъзоси камбағалликдан чиқарилди, натижада камбағаллик даражаси 11,0 фоизгача камайди.

Ўзбекистон Президенти 2024 йил охирларида Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё каби вилоятларнинг 2025 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича йўналиш ўтказиб, бу вилоятларга 2025 йилда жалб қилинадиган инвестициялар, янги иқтисодий зоналар ташкил этиш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш бўйича режаларини белгилаб, кўплаб янги иш ўринларини яратишни белгилади. Бу режаларни амалга ошириш натижасида кўпгина ишсизлар ишга жойлашиб, даромадли бўлиб, камбағаллар сафидан чиқадилар.

Хулоса ва таклифлар. Маълумотлар асосида хулоса қилинганда, Республика Президенти Ш. Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда иқтисодиётни ривожлантириб аҳоли даромадларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ижобий ишлар қилинмоқда. Натижада, мамлакатда камбағаллар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Камбағаллик даражасини тезроқ қисқартириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб таклиф билдираимиз:

- ҳудудларнинг табиий шароити ва мавжуд ресурсларидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

- қишлоқ аҳолисида ҳам маиший техникалар (музлаткич, кир ювиш машинаси, чангюткич кабилар) кўпайганлиги сабабли, уларни ишлатиш, таъмирлаш каби мутахассисларни қисқа муддатли курсларда кўпроқ тайёрлаш. Умуман талаби кўп мутахассисларни, айниқса ишсиз ёшларни давлат ҳисобидан қисқа муддатли курсларда ўқитиб, даромадли иш билан таъминлаш;

- мавжуд туризм ресурсларидан самарали фойдаланиб, ташқи ва ички туризмни янада ривожлантириш. Натижада, туризмга хизмат кўрсатувчи транспорт, умумий овқатланиш, алоқа каби соҳалар ҳам кўпайиб, янги иш ўринлари кўплаб яратилади. Ҳудудларни комплекс ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш дастурини тайёрлашда, камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш чора-тадбирларини аниқлаш лозим. Мамлакат иқтисодиётининг келгусида ҳам барқарор ривожланиши камбағалликнинг янада қисқаришига олиб келувчи муҳим омилдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон -2030” стратегияси тўғрисида. ПФ-158 11.09.2023 й.
2. Камбағалликдан – фаровонлик сари” дастури. Lex.uz 2024
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириши бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида. 2024 й.
4. Пардаев М., Пардаев О. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ 2020 й.
5. Худайбердиев Умар Аҳоли турмуш даражаси. Монография. Самарқанд. СамДЧТИ нашриёти, 2021 й.
6. www.lex.uz
7. www.stat.uz

<p>У.Худайбердиев</p> <p>Уровень бедности и пути его сокращения</p> <p>Аннотация. В статье описано современное состояние бедности и пути ее снижения. Освещены меры по сокращению бедности.</p> <p>Ключевые слова: население, бедность, причины бедности, социально-экономические условия, новые рабочие места, доходы, развитие.</p>	<p>U.Khudayberdiev</p> <p>Poverty level and ways to reduce it</p> <p>Abstract. The article describes the current state of poverty and ways to reduce it. Measures to reduce poverty are covered.</p> <p>Keywords: population, poverty, causes of poverty, socio-economic conditions, new jobs, income, development.</p>
---	---

Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова – Алфраганус университети ассистенти

АҲОЛИНИНГ ЎСИШИ, КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ ВА АҲОЛИНИНГ КАМБАҒАЛ ҚАТЛАМИНИНГ ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда аҳолининг ўсиши, камбағаллик даражаси ва аҳолининг камбағал қатламининг ўзгариш тенденциялари қараб чиқилган. Унда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги асосланиб, унинг айрим йўналишлари ҳам кўрсатиб берилган. Шунингдек, Самарқанд вилоятида аҳоли сони, меҳнатга қобилиятли аҳоли, иш билан банд ва ишсиз аҳоли сонининг 2016-2024 йиллардаги ўзгариш динамикасининг қиёсий таҳлили берилган. Таҳлил натижасида камчиликларни тўғрилаш бўйича амалга ошириш лозим бўлган илмий-амалий тавсиялар ҳам берилган.

Калит сўзлар: аҳоли сони, камбағаллик, аҳолининг камбағал қатлами, камбағаллик даражаси, аҳолининг бандлиги, ўзини ўзи банд қилиш, фаровонлик, унга эришиш йўллари.

Кириш. Бугунги кунда аҳоли фаровонлигини ошириш энг устувор вазифалардан бирига айланган. Бунинг учун аҳоли иш билан банд бўлиб, маълум миқдорда даромад қиладиган ва бемалол фаровон яшайдиган бўлишлиги лозим. Буларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-сонли фармони ва ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида, 2020 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам мазкур масала юзасидан аниқ мақсад ва вазифалар ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатларда самарали макроиқтисодий сиёсатни юритиш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул давлат сиёсатини амалга ошириш тизими ишлаб чиқилган ва булар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Аммо масаланинг айрим назарий, услубий ва амалий муаммолари борки,

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.